

СОГЛОМ АВЛОД ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ**Исмоилов Ортиқ Исмоилович***Самарқанд Давлат тиббиёт Университети Анатомия кафедраси доценти***Мустафоев Зафаржон Мустафо ўғли***Самарқанд Давлат тиббиёт Университети**Анатомия кафедраси PhD, в.в.б доценти*

Аннотация.Ҳозирги кунга келиб экологик муаммоларининг оламшумул миқёсида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий зиддиятларни кескинлаштириб юбориши экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришни долзарб вазифага айлантириди.

Калит сўзлар: экологи, соғлик, маданият.

Инсон ҳаётининг кимёлаштирилиши ва синтетик дориларга ружу қўйиш, саноат ривожи, атмосферанинг ифлосланиши, заҳарли тутун ва чиқиндилар экологик тизимни бутунлай ишғол этдики, бунинг салбий оқибатларини табиат компонентларининг заҳарланиши, ўрмонларининг қуриб бориши, экологик занжирнинг мустаҳкам халқасини ташкил этган баъзи ҳайвон ва ўсимлик турларининг камайиб, йўқолиб кетиши, чиқинди газлар туфайли озон қатламининг емириши ва натижада глобал исишга олиб келгани, ультрабинафша нурларининг бевосита таъсири туфайли мутация ва саратон касалликларига чалиниш ҳолатларининг ошиши, янги вирус ва бактерияларининг пайдо бўлиши, Ер юзида иқлим ҳаракатланишининг ўзгариши, ёмғирларининг камайиши, чўлларнинг кўпайиши, муз эриши сабабли океан ва денгиздаги сув сатхининг юксалиши, сув тошқинлари, бевақт исиган ҳаво ва йил фасллари ритмининг ўзгариши таъсирида дарахтларнинг эрта гуллаши, қишининг эрта келиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, кўплаб миқдордаги саноат чиқиндиларининг океан ва денгизга ташланиши натижасида сув ҳайвонларининг қирилиб кетиши мисолида қўриш мумкин. Бугунги кунга келиб, инсон ва табиат муносабатлари тор доирадан чиқиб, умумбашарий тус олгани сир эмас. Инсон тақдирининг табиатга боғлиқлиги масаласи янгича мазмун ва шаклда намоён бўлиб, “инсон- табиат” муносабатлари “экологик маданият” деб юритилмоқда. Экологик маданият -табиатга меҳр билан муносабатда бўлиш, унга нисбатан масъулиятни ҳис этиш, табиий ресурсларга жонкуярлик ҳиссини қарор топтириш, иқтисодий-хўжалик вазифаларини атроф-муҳитга зиён етказмайдиган даражада ҳал этиш малакасини шакллантириш бўлиб, бу инсондан ўзини ўраб турган атроф-муҳит ҳақида чуқур билимга эга бўлиши, она табиатни асраш, ўсимлик ва ҳайвонот оламига ғамхўрлик қилиш, табиат заҳираларидан оқилона

фойдаланиш, қисқаси, соғлом экологик тафаккур эгаси бўлишни тақозо этади. Зеро, юртимизда жадал суръатлар билан ривожланаётган ислоҳотлар ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидағи янгиланишлар экологик муаммоларни янада чуқур ва изчил тадқиқ этиш вазифасини қўймоқда. Маълумки, барча таълим мұассасаларида экология фани ўқитиш мажбурий бўлиб, экологик таълимнинг бош ва кечиктириб бўлмас мақсади ҳам ахолининг барча қатламларида атроф-муҳитни асраш муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Бундан англашиладики, ёш авлод экологик онгини ўстириш, бу борада етарли малакани шакллантириш, экологияга оид хуқуқий билимларини чуқурлаштириш, экологик маданият кўникмасини ҳосил қилиш лозим. Бугунги кунда кўплаб ҳалқаро, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракати ҳам юқорида таъкидланган жараёнларни бартараф этиш ва қонуний чора-тадбирлар кўриш ҳамда экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган бўлиб, бу борада мамлакатимизда фаолият олиб бораётган “Ўзбекистон экологик ҳаракати” алоҳида нуфузга эгадир. Ҳаракат дастурида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ахволни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, биологик ранг-барангликни асраш, тиклаш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш соҳасида жамоатчилик фаоллигини ошириш, болалар ва оналар саломатлиги ҳақида қайғуриш каби устувор вазифалар белгиланган. Экологик муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўлларидан бири ҳалқаро экологик ҳамкорликни ривожлантириш ва илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш борасида қилинган ишлар ҳам мақтовга сазовордир.

Бундан юз йилча илгари Ф.Энгльс ёзган эди “ Табиат устидан ғалаба қилдик деб шодланмаслигимиз керак, ҳар бир ғалаба учун у биздан қасос олади”. Тўғри дастлаб табиатни биз кутган натижаллар содир булар, аммо иккинчи ва учунчидан табиатда биз кутмаган натижалар содир булади, бу ўзгаришлар купинча дастлаб натижаларни йўққа чиқариб юборади. Ҳозирги вақтда табиатнинг фундаминал қонуларидан бири – табиатга булган таъсирнинг моҳияти ва унинг оқибатларини аниқлашдан иборатдир .

Экология маданиятини етишмаслиги табиатга булган таъсирларининг оқибатларини олдиндан қўра олмаслик охири бориб ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Негаки, жамиятнинг табиатга таъсир миқёсининг кенгайиб, унинг оқибатлари хатарли тус олаётгани, табиатга вахшиёна муносабат ҳали ҳам сақланиб қолаётгани, айниқса, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар билан савдо қилиш олдинги ўринда экани, нефть, кўмир каби фойдали қазилмаларни худди “ҳеч қачон тугамайдиган хазина” деган қараш чуқур илдиз отгани, атроф-муҳит ифлосланаётгани сир эмас. Экологик масъулиятнинг барқарор бўлиши табиат неъматларини сақлаб қолиш, уларга келтирилаётган

зарарни камайтириш билан бирга табиатдан оқилона фойдаланиш, тежамкорлик ва юксак иқтисодий самарага эришишда акс этади. Шунингдек, экологик масъулият инсоннинг ўз-ўзи ва атрофидаги барча нарсалар, табиат ва одамларга бўлган муносабатининг ўзгаришига замин яратади. Табиат хақида қайғуриш, уни кўз қорачиғидек асраш она сайёрамизни асраш-авайлаш деганидир. Соғлом авлод ва экологик барқарорлик жамият равнақини белгилайдики, муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласиган аср. Буни чуқур англаб олган давлат ва жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади”.

Умумлаштириб хulosа қилиб айтиш мумкинки юқори даражадаги экологик маданият биосферанинг ички экологик мувозанат қонуниятларини билишнинг назарий ва амалий томонларининг диалектик бирлигига эришади, яъни эҳтиёжлар мажмуасидаги мақсадга мувофиқлик табиатни муҳофаза қилишнинг истиқбол манфаатлари билан узвий боғланиб кетади. Экологик маданиятнинг энг юқори даражаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган ва интенсивлиги билан характерланиб, ижтимоийлик ва шахсийлик нисбий мазмун касб этади.

1. Мустафоев, З. М. (2024). СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ. *Multidisciplinary Journal of Science and Technology*, 4(2), 277-282.
2. Mustafoyev Zafar Mustafo o'g'li (2024). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *SCHOLAR*, 2(5), 162-168.
3. Oglu, M. Z. M., & Zokirovna, O. A. (2023). МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ПЕЧЕНИ БЕЛЫХ БЕСПОРОДНЫХ КРЫС, ПЕРЕНЕСШИХ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНУЮ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВУЮ ТРАВМУ ПОСЛЕ МЕДИКАМЕНТОЗНОЙ КОРРЕКЦИИ. *JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE*, 8(1).
4. Мустафоев, З. М., Бахронов, Ж. Ж., & Хидиров, З. Э. (2022). Яллиғланишга карши дори воситалари полипрагмазиясида буйрак нефроларида рўй берадиган морфометрик ўзгаришлар. *Биология ва тиббиёт муаммолари.- Самарқанд-2022*, 3, 177-181.
5. ТЕШАЕВ, Ш., & МУСТАФОЕВ, З. (2022). ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ. *ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ*, 7(1).
6. Мустафоев, З. М. Ў. (2021). Сравнительная характеристика морфологических параметров почек при полипрагмазии противовоспалительными

препаратами. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 622-630.

7. Norbekovich, T. B., Oblakulovich, K. S. O. S., Sadinovich, U. S., Mustafoevich, M. Z., & Akhmadjonovich, S. S. (2021). Polypragmasia as a risk factor causing complications in viral infection. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 2(2), 79-82.
8. Мустафоев, З. М., & Бахронов, Ж. Ж. (2022). Морфометрическая характеристика частей нефона почек крыс в норме и при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. *Вестник ТМА–2022*, 2, 57-59.
9. Mustafoev, Z. M. (2021). Morphological Parameters Of Kidney In Polypragmasia With Anti-Inflammatory Drugs. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(10), 33-37.
10. Mustafoyev, Z., & Qo'ldoshev, F. (2023). TIBBIYOTDA IT TEXNOLOGIYALARIDA FOYDALANIB JIGAR SERROZINI DAVOLASH. *Бюллетень студентов нового Узбекистана*, 1(5 Part 2), 8-10.
11. Mustafoyev, Z. (2023). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 2(4), 75-80.
12. Mustafoev, Z. M., Teshaev, S. J., & Bakhronov, J. J. (2022). Features Of Kidneys Exposed to Various Factors. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 144-154.
13. Zafarjon, M. (2022). ANALYSIS OF POLYPRAGMASIA PREVALENCE AND MORPHOLOGICAL CHANGES OF KIDNEYS. *YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR*, 105-108.
14. Мустафоев, З. М., & БАХРОНОВ, Ж. НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ. *НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ* Учредители: Бухарский государственный медицинский институт, ООО "Новый день в медицине", (1), 286-288.
15. Мустафоев, З. М., Абдураимов, З. А., & Мавлонкулова, Д. М. (2023). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ОТДЕЛОВ НЕФРОНА КРЫС И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ ЭФФЕКТА ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ. *Research Focus*, 2(11), 119-123.
16. Mustaf o'g'li, M. Z. (2023). EMFEZMATOZNI KARBOKUL. *Ta'lism innovatsiyasi va integratsiyasi*, 10(4), 106-110.
17. Mustafoyevich, M. Z., Muhammad o'g'li, N. M., Zokir o'g'li, Z. M., & Mexrojidin o'g'li, B. X. (2023). INSON ORGANIZIMDA VITAMIN C YETISHMASLIGIDA UCHRAYDIGAN SINGA KASALLIGI. *Scientific Impulse*, 1(12), 271-273.
18. Mustaf o'g'li, M. Z. (2023). TIBBIYOTDA IT TEXNOLOGIYALARIDA FOYDALANIB JIGAR SERROZINI DAVOLASH. *Ta'lism innovatsiyasi va integratsiyasi*, 10(4), 93-95.
19. Мустафоев Зафаржон Мустафо ўғли, & Сулайманов Ремзи Ибрагимович. (2024). ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ 2 ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ПОЛИПРАГМАЗИЯСИДА БҮЙРАКЛАРНИНГ МОРФОМЕТРИК

ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎРГАНИШ. TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN, 2(2), 166–172. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10701474>

20. Мустафоев, З. М., Абдураимович, А. З., & Хидиров, З. Э. (2024). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ, СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ аспирином, парацетамолом, ибупрофеном. *Miasto Przyszlosci*, 46, 1177-1183.
21. ўғли Мустафоев, З. М., & Киямов, Б. Э. (2024). 2 ТУРДАГИ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ БҮЙРАКЛАР МОРФОМЕТРИК КҮРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ. *SCHOLAR*, 2(6), 4-11.
22. Хидиров, З. Э., & ўғли Мустафоев, З. М. (2024). ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ 3 ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ БҮЙРАКЛАР МОРФОМЕТРИК КҮРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ. *SCHOLAR*, 2(6), 12-22.
23. qizi Azamatova, D. B. (2024). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *SCHOLAR*, 2(5), 162-168.
24. Мустафоев, З. М., Абдураимович, А. З., & Хидиров, З. Э. (2024). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ, СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ аспирином, парацетамолом, ибупрофеном. *Miasto Przyszlosci*, 46, 1177-1183.
25. И smoилов, О. И., Усанов, С. С., & Хидиров, З. Э. (2024). ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШЛАРДА ЖИГАР ТҮҚИМАСИННИНГ МОРФОЛОГИЯСИ ВА МОРФОМЕТРИК КҮРСАТГИЧЛАРИНИ НОРМАЛ ВА ПОЛИПРАГМАЗИЯДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ 4 ХИЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАСИРИ ХОЛАТИДА ТАҚКОСЛАШ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 43(7), 112-121.
26. Ismoilovich, I. O., Oblakulovich, K. S., Ibragimovich, S. R., & Berdirasulovich, Q. G. O. (2023). THE THYMUS GLAND MORPHOLOGICAL ASPECTS IN CHILDREN (LITERATURE REVIEW). JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE, 8(1).
27. Mustafogli, M. Z., & Ismoilovich, I. O. (2024). HYSTOPATOLOGY OF KIDNEY TISSUE IN POLYPRAGMASIA. *Journal of new century innovations*, 53(1), 104-109.